



Кун нафаси

Президентимиз Ўзбекистон Республикасининг «Виджон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунини имзолади.

Давлат раҳбари бошчилигида узумчилик ва ипакчилик соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳамда бу тармоқларни ривожлантиришда муҳим вазифалар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

БМТнинг Превентив дипломатия маркази ташаббуси билан 7 июль кунини **Ўзбекистон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирларининг виртуал форматдаги музокаралари** бўлиб ўтди.



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси раиси **Волкан Бозкир** 2021 йил 7 июль кунини **Самарқандда** бўлди.



«Тараққиёт стратегияси» маркази делегацияси ағни кунларда ишчи ташриф билан **Туркия Республикасида** бўлиб турибди.



Тошкент вилояти ҳоқими **Даврон Ҳидоят** Туркия Республикасининг Хатай провинцияси ҳоқими **Лютфи Саваш** бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Таълим инспекцияси бошлиғи **Улуғбек Ташкенбаев** олий таълим бўйича россиялик эксперт **Андрей Волков** билан **онлайн** учрашув ўтказди.



Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) офисига Жанубий Калифорния университети доценти **Стив Марк Свердлов** ва Тошкентдаги Вебстер университети талабалари ташриф буюрди.



Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 июлига қадар **51 мингдан ортиқ** яқка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилди.

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларига зарур консуллик ва ҳуқуқий ёрдам курсатиш мақсадида **мамлакатимизнинг Санкт-Петербургдаги Бош консулхонаси, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вазоклатхонаси** ҳамда «Uzbekistan aigways» акциядорлик жамияти вакиллари «СтройКрафт» корхонасининг қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан «UzASBO» дастурий мажмуасини ривожлантириш ва бюджет ташкилотларига замонавий технологик хизматларни кўрсатиш учун шароитлар яратиш мақсадида Ахборот-ҳисоблаш маркази ва тўлов хизматларини тақдим этувчи «ТВС» банк акциядорлик тижорат банки ўртасида меморандум имзоланди.

МТРК тизимида «**Ҳидоят сари**» илмий-маърифий **онлайн телеканали** ташкил этилди. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

2021 йил
8 июль
пайшанба
№ 86-87
(4527)

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Президентга мактублар: «БИЗ ҲАЁТДАН РОЗИМИЗ!»



Ҳаётда турфа тақдирлар бор. Тақдир зарбалари баъзан одамни эсанкиратиб қўяди, баъзан тақдир раво кўрган ҳаёт билан яшашига маҳқум бўлади инсон. Нима бўлганда ҳам, ҳаёт учун курашдан чекинмаслик, матонат ва сабот билан олға интилиш керак. Аммо баъзан бунга етарли куч тополмай қоламиз. Ўзимиз билиб-билмай атрофдан бир мадад, бир меҳр кутамиз. Шундай вазиятда бир кичик туртки ҳам инсон ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ва инсонпарварлик сиёсати бугун «Аёллар дафтари»ни варақлаганда яққол сезилади.

Амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилганда обод бўлаётган ҳаёт, обод бўлаётган кўнгуллар манзаралари намоеён бўлади.

«Ishonch» газетасига «Аёллар дафтари» сабаб нурафшон бўлган кўнгулларнинг дил изҳорлари – миннатдорлик мактублари келмоқда. Улар ҳаётбахш ташаббус эгаси – Президент номига битилган.

Тахририят ушбу дилномаларнинг баъзиларини эълон қилган эди. Бу сафар ҳам айрим дилномалар билан танишасиз. Зеро, матбуот – жамият кўзгуси, жамият минбари. Мактубларда эса битта муҳим маъно бўй кўрсатиб турибди: **БИЗ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛАПМИЗ!**

> 2-3



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Одамлар нималар дейишмоқда?

Энергетика тизими НА ИССИҚҚА, НА СОВУҚҚА дош бера олади



Зомин илҳомлари

Айни пайтда сўлим гўша бўлган Ўриклисойда ёш ижодкорларни жам қилган Зомин семинари давом этмоқда. Унда иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда машғулотларда қатнашишяпти, устозлардан маҳорат дарсларини тинглаш баробарида ўзларининг ижод намуналарини тортиқ этишяпти. Зомин семинари бу гал ҳам ўзига хос истеъдод эгаларини кашф этмоқда...

7-саҳифада ўқинг...

Ўзбекистон энергетика тизими ўтириб қолганини аномал иссиқ кузатилаётган шу кунларда яна бир марта кўрсатиб қўйди. Тошкентнинг тенг ярми соатлаб чироқсиз қолди, метро зулматга чўмди. Пойтахтдаки аҳвол шундай бўлганидан кейин, чекка ҳудудлардаги вазиятни ўзингиз тасаввур қилаверинг.



Ҳамма айб одатдагидай табиатда. Ҳарорат кескин кўтарилиб кетди. Истеъмор сарфи ортиб, тизимда зўриқишлар келиб чиқди... Бизнинг жонажон энергетика тизимимиз эса на иссиққа, на совуққа дош бера олади.

Энергетика вазирлиги ҳар гал соҳада жуда катта ишлар қилинаётганини айтган экан, тизимда йиллар давомида муаммолар йиғилиб қолганини, уларни бирданига ҳал этиб бўлмаганини гапиришдан чарчамайди. Буни эшитган одамда «булар бу соҳани тириштириш учун келган янги куч экан-да», деган тасаввур пайдо бўлади.

Ваҳоланки, тизимдаги мансаб курсиларни эгаллаб ўтирганларнинг аксарияти ўша муаммолар мерос қолган эски даврда ҳам шу атрофларда куймаганиб юрган «ватанпарварлар» ҳисобланади.

Президент Администрацияси раҳбари имзоси билан 2021 йил 3 июлда чиқарилган шойинчи топшириқда энергетика тармоқлари, хусусан, электр энергияси билан барқарор таъминлаш, авария ҳолатлари олдини олиш ва тезкор бартароф этиш чораларини кўриш белгиланган эди. Бунинг ижроси амалда қай даражада эканлигига ортиқча

изоҳ шарт эмас.

Вазиятни қуруқ гап, баландпарвоз ваъдалар билан ўнглаб бўлмайдми. Амалий ишлар, реал натижалар керак халққа. Шу ўринда биргина 2021 йилнинг 1 чорак якуни бўйича жами давлат ташқи қарзининг 27,1 фоизи ёки 5,6 млрд. доллар электр энергетикаси ва энергетика соҳаларига йўналтирилганини эслаш ушбу маблағларни расамади билан йўналтириш, лойиҳаларни сифатли бажариш шарт. Йўқса, айбни яна узоқ йиллар табиатга тўнкаб ўтираверамиз.

t.me/xolisfikr



Дунё янги «ПАНДЕМИЯ» қаршисида (ми?)

Ҳар йили дунё бўйлаб **12 миллион гектар**, 1 дақиқада эса **23 гектар** ер чўлланади. Шу кунларда ер юзининг **75 фоизи** чўлланган. Агар бу таҳдид давом этаверса, 2050 йилга бориб ер юзининг **95 фоизи** яроқсиз ҳолга келади. Чўлланган сувли ҳудудларнинг **87 фоизи** охириги 300 йил ичиди шундай ҳолга келган. Яна ҳам яқин тарихга қарайдиган бўлсак, чўлланишнинг **54 фоизи** охириги 100 йилга тўғри келган.

5-саҳифада ўқинг...

ФВВ огоҳлантиради: КУЧЛИ ШАМОЛ БЎЛИШИ МУМКИН!

Гидрометеорология хизмати маркази хабарига кўра, 8 июлда Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларига, 9-10 июль кунлари республиканинг барча ҳудудларига Каспий денгизи орқали Кавказ ҳудудлари устида шаклланган нисбатан салқин ҳаво массалари кириб келади.

8-10 июль кунлари баъзи жойларда шамол тезлиги 15-20 метр/секундгача кучайиши кутилмоқда. Баъзи жойларда эса чангли бўрон билан 25-30 метр/секундгача етиши мумкин.

Шу муносабат билан ФВВ фуқаролардан кучли шамол кузатилганда кўчада ҳаракатланмаслик, автомобилларни дарахлар ва бошқа турли мустаҳкам бўлмаган конструкциялардан узоқроқ, хавфсиз жойга қўйишни сўраган.





Ховослик Фарида Раҳмонқулова анчадан буюн ишли бўлиш, ўзига мос касбини эгаллаш ниятида юрарди. Яқинда бу орзуни ушалди: у аёллар саргароши ҳунарини ўрганиб, «Ўзаллик салони»да фаолият юрита бошлади.

Сирдарё вилоятининг Ховос, Сардоба ва Гулистон туманларида Фарида сингари эзгу мақсадига эришган хотин-қизлар кўпаймоқда. Бунга эса Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги ташаббуси туртки бўлмоқда. Чекка маҳаллаларда енгил конструкцияли ўзаллик салонлари фойдаланишга топширилиб, аёллар бандлиги таъминланмоқда. Эטיборли жиҳати, ишлаш истагидаги опа-сингилларимиз аввал касба ўқитилиб, сўнгра уларга шинам жой ва зарур жиҳозлар тақдим этилмоқда. Бу ҳақда Фарида бизга куйидагиларни гапириб берди:

– Маълум муддат уч нафар фарзанд тарбияси билан андармон бўлиб, ишлай олмадим. Энди бирор касбнинг этагини тутиб ишлаш, оилавий даромадимизни кўпайтиришга ҳисса қўшиш илмининг эдим. Исм-шари-

фим «Аёллар дафтари»га киритилгач, саргарошлик бўйича тайёр иш, боз устига, бепул ўқув курси борлигидан хабар топиб, хурсанд бўлдим. Эшитганларим рост экан, 15 кун мобайнида 72 соатлик ўқув дарсларини тингладик. Меҳмонхонага жойлашиб, соҳа мутахассисларидан сабоқ олиш – буларнинг ҳеч бири учун чиқимдор бўлмади! Бамисоли талабалик бахтини ҳис қилгандай бўлдим. Эндиликда эса барча шароит ва иш қуроллари билан таъминланган шинамгина салонда меҳнат фаолиятимни бошлаб юбордим.

Гулистон туманидаги «Олтин водий» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида истиқомат қилувчи Наргиза Ҳасанова ҳам худди шундай имконият ва имтиёзлар шарофати ўлароқ муқим иш ўрнига эга бўлди. У йилги саргарошлик касбига қизиқиш, бир муддат шогирдлик қилган. Лекин та-

Ишчи гуруҳ фаолияти



Тошкент шаҳри

Кўрик-танлов

МУНОСИБЛАР ҒОЛИБ

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган кўмитаси тизимида хизмат кўрсатаётган бошланғич касба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.

Ғолиблик 78 та ташкилот қатнашган танловда биринчи ўрин аъзолари сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида «Картография» давлат илмий ишлаб чиқариш корхонасига, аъзолари сони 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида эса «Агробанк» АТБ касба уюшма кўмитасига насиб этди.

Ўз мухбиримиз



ҚУЙИ ТИЗИМГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қуйи тизимга эътиборни кучайтириш мақсадида ҳар икки йилда бир марта корхона ва ташкилотлардаги бошланғич касба уюшмалари фаоллари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ўтказиб келади.

Ана шундай тадбирлардан бири Зарафшон шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўртасида ташкил этилди.

Қатнашчиларнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятига, билим ва ижодкорлигига, профессионаллик даражасига эътибор қаратилган кўрик-танловда биринчи ўрин Зарафшон шаҳридаги 3-мактабга насиб этган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринни 12-мактаб ҳамда 20-баркамол авлод болалар мактаби бошланғич касба уюшмаси фаоллари эгаллади.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Линура ОСТАНАЕВА,

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси



Қашқадарё вилояти



ҲАМИША ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Қарши ихтисослаштирилган санъат мактабиди Қашқадарё вилояти тиббий ижтимоий хизматлари ривожлантириш бошқармаси «Йилнинг энг яхши ижтимоий ходими» республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди.

Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 15 нафар аёл ўзаро мусобақалашди. Улар танишув, эркин мавзу ва савол-жавоб шартларида ўз билим ҳамда касбий маҳоратини синовдан ўтказди.

Яқинда Қашаши туманидан Озода Юсупова биринчи, миришкорлик Дилноза Сафарова иккинчи, Шаҳрисабз шаҳри вакиласи Нигора Маликова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар, фаол қатнашчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоира ҲАЙДАРОВА,

Қашқадарё вилояти тиббий ижтимоий хизматлари ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли «Истиқлол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Зомин туманидаги Усмонлисий қишлоғида жойлашган. Оромгоҳ 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу йил 4 навбатда 600 нафар болани ўз бағрига олади.

«Истиқлол»да завқли лаҳзалар

Ям-яшил арчалар ва анвойи гуллар кўзларни яшнатади, тозалик ва орасталликдан кўнгиллар яйрайди. Чўмилиш ҳавасидаги болажонларнинг кувончи бир олам. Стадион, сунъий қопламали мини-футбол майдончаси ҳаммиша гавжум. Соя-салқин айвончалар, ўриндиқларда бамайлихотир китоб ўқиётган, турли машғулотлар ўтказётган ўқувчиларни учратасиз. Фан тўғралакларидида тақдорлаш усулида билимлар мустаҳкамланмоқда. Инглиз,

рус тиллари тўғралакларидида сўзлашиш кўникмалари оширил-япти. Тасвирий санъат машғулотларида эса ўғил-қизлар юртимиз жамолини акс эттирувчи расмлар чизишмоқда. Мусиқа тўғралакларидида чолғу асбобларида куй яратиш, қўшиқ айтаётган, рақсга тушаётганлар кувончи оламини тутуди. 1500 та бадий китоб мужассам кутубхонада ҳар бир дам олувчи 10 тадан асар ўқиши режалаштирилган. Ўқувчилар мутлола қилган китоблари асосида «Янги асар»,

«Мен севган қаҳрамон», «Мен севган китоб» мавзуларида савол-жавоблар, баҳс-мунозара, шеърят кечалари уюштирилади.

– Карантин қоидаларига амал қилган ҳолда иш юрит-япмиз, – дейди оромгоҳ раҳбари Улғабек Омонов. – «Заковат», «Зинама-зина», «Ўйла, изла, топ» каби интеллектуал уйинлар, спорт мусобақалари, мусиқа фестиваллари ўтказилмоқда. Болажонлар тўғралакларда компьютер саводхонлиги, тикувчилик, мусавирлик, пазандалик йўналишларида касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

Таълим-тарбия бериш ва қизиқарли тадбирлар ташкил этишда кўрсатган жонбозлиги, меҳнатсеварлиги учун оромгоҳ 1-даражали диплом билан тақдирланиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати касба уюшма ташкилотининг эсдалик совғаларини қўлга киритди.

– Зомин тоғлари манзараси ва ҳавоси ажойиб экан, – дейди оромгоҳда дам олаётган Фирдавс Жалолиддинов. – Оромгоҳда ҳар куни турфа хил қизиқарли тадбирлар йўлга қўйилганлиги туфайли вақтнинг қандай ўтганини билмай қоляпмиз. Кутубхонадаги китобларни айтмайсизми! Мутлола жону дилим. Келгуси йил ҳам, албатта, келаман.

Абдусатор СОДИҚОВ



Тошкент вилояти

Бўстонлик туманидаги «Ниҳол» оромгоҳида Тошкент туманидан 20 нафар мактаб ўқувчиси мириқиб ҳордиқ чиқарди.



Жиззах вилояти

«Жилғача»да мароқли таътил

Фориш туманида жойлашган «Жилғача» болалар оромгоҳида бу йил 400 нафар болани дам олдириш режалаштирилган.

Хозирда иккинчи навбатда Пахтакор туманидан 100 нафар бола мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

– Дам олувчи ўқувчилар ўртасида «Биз ёшлар гиҳвандликка қаршимиз!» мавзусида иншо, расмлар танлови, «Биз

соғлом турмуш тарзи тарafdоримиз!» шiori остида спорт мусобақалари ўтказилмоқда, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Пахтакор тумани кенгаши раиси Собир Пирматов. – Шунингдек, «Энг яхши китобхон», «Оромгоҳ юлдуз-

лари», «Оромгоҳ берган сабоқлар», «Истеъдодларни излаймиз» мавзуларида танловлар ташкил этилмоқда.

Болалар иқтидорини қўллаб-қувватлаш мақсадида гуруҳлар ўртасида турли мавзудаги сахна кўринишлари, спектакллар, эртақлар ва мусиқий дастурлар уюштирилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Унутилмас онлар учун ташаккур!

– Қизим Барно 11 ёшда. Ҳали ўзи бирор марта мустақил яшаб кўрмаган. У оромгоҳ ҳаёти менга жуда ёқди, дея ўзида йўқ хурсанд, – дейди 17-мактаб ўқувчиси Дилноза Аҳмедова. – Бунинг учун ушбу масканда қатъий тартиб ва интизом ўрната олган оромгоҳ раҳбари Иброҳим Нурматовга, тарбиячилар Сурайё Жўраева, Шахло Мансуровага ўз миннатдорлигини билдираман.

– Овқатлари жуда мазали экан. Ўтказилган тадбирларнинг барчасида иштирок эт-

дим ва бир нечта фахрий ёрликларни қўлга киритдим, – дейди оромгоҳда дам олаётган ўқувчилардан бири Абдувоҳид Бахтиёрров. – Айниқса, инглиз тили машғулотлари, спорт мусобақалари менга жуда ёқди. Бунинг учун инглиз тили устозимиз Нодира Аъзамова, спорт йўриқчимиз Аббос Ғайбуллаев, мусиқа раҳбаримиз Феруз Аҳмедовага раҳмат айтаман.

Анвар ЗОКИРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент тумани кенгаши раиси



Яшил майдон сабоқлари: БИЗГА НИМА ЕТИШМАЙДИ?

Бугунга келиб футбол Ватан шарафи, эл-юрт шаъни учун курашнинг энг ёрқин ва афзал кўринишларидан бирига айланган. Айни кезларда кўнра қитъа яшил майдонларида ўтаётган «Евро – 2020» баҳслари, назаримизда, худди шу ўзига хос жиҳатларни бор бўйича намойён этмоқда.

Бунга мисол тариқасида ўн олтинчи бор ўтказилган Европа чемпионатининг дастлабки кунларидаги баҳслардан бирини, аниқроғи, Финляндия ва Дания учрашувини эсга олайлик. Унинг 42-дақиқасида ногаҳон рўй берган нохуш ҳодиса ўша лаҳзаларда миллионлаб томошабинлар қалбини ларзага солди. Даниялик футболчилар етакчиси Кристиан Эриксен ху-

шидан кетиб йиқилгани, ҳаёти хавф остида қолгани футбол оламидаги яна бир қатор жиҳатларни ҳам очиб берди. Шифокорлар кенг жамоатчилик кўз ўнгига футболчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун зўр бериб курашгани бир тараф, бу жараён ёзиб олинмаслиги учун афтоҳол етакчи атрофини ҳалқа шаклида ўраб олган жамоадорларнинг

бирдамлиги бир тараф бўлди. Инсон ҳаёти қил устида турган ўша қалтис дамларда Кристиан учун рақиб жамоа футболчиларию мухлислари ҳам Яратганга илтижо қилганлари рост. Қолаверса, Дания терма жамоаси сар-

дики, клуб таркибиде ўйнаш билан терма жамоа сафиде тўп суриш бир-биридан жиддий фарқ қилади. Ҳатто ўртамеъна ўйинчи ҳам миллий терма жамоа либосини кийганида, агар юрагида ўти бўлса, чинакам жангчига айланади. Бундай вазиятда у билан курашиш ҳар қандай рақиб учун осон кечмайди.



Дори Симон Кьер ўз вақтида Эриксенга биринчи тиббий ёрдам кўрсатгани, шериклари ва Кристианнинг рафиқасига далда бергани ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Буни ҳақиқий ақдрилиқ, ҳақиқий матонат деса бўлади!

Ирода, матонатнинг бундай намуналарига Хорватия ва Швейцария терма жамоалари иштирокидаги баҳсларда ҳам гувоҳ бўлдик. Хорватлар Испания билан учрашувда икки тўп фарқи билан орқада бораётиб, сўнгги беш дақиқа ичида ҳисобни тенглаштирдилар. Алқисса, гарчи мағлуб бўлган эсаларда, чемпионатни бошларини тик тутган ҳолда тарк этдилар.

Айнан шу кунни бошқа бир баҳсда сенсиция юз берди. Амалдаги жаҳон чемпиони Франция кўшнлари тўсиғидан ўтолмади. Швейцарияликлар худди хорватлар сингари икки тўп фарқини йўққа чиқариб, ғалабага эришдилар. Таркиби «олдуз» футболчилардан иборат Франциядан кўра ўрта даражадаги Швейцария терма жамоаси аъзоларидаги ғайрат, курашчанлик ва ирода устун чиқди. Европа спорт майдонларидаги



Мулоҳаза

Баҳслар ҳали давом этади. Биз яна қизғин курашларнинг, инсонпарварлик, юртпарварлик руҳи билан тўйинган ҳақиқий олишувларнинг гувоҳи бўламиз. Ўз навбатида, беихтиёр хаёлга толамиз. Чунки юқоридаги ижобий фикрларни мундиалга чиқиш йўлидаги етти уринишнинг бирортасида ҳам ҳали муваффақият қозона олмаган биз учун азиз бўлган терма жамоага нисбатан айтишга истиҳола қилсан киши.

Нима ҳам дердик, турли коррупцион ҳолатлар, таниш-билишчилик, терма жамоа либосини кийишга нолайиқ кишиларнинг муҳим баҳсларга жалб қилиниши, болалар футболдаги оқсаш ва бошқа кўпбад сабаблар бутун бошли мамлакат футболига болта ураётгани аччиқ ҳақиқат. Албатта, кўпчиликка маълум бу сабаблар алоҳида таҳлилни талаб этади.

Биз эса оддий бир ҳақиқатни эслатмоқчимиз: юқорида тилга олинган муаммолар ва хато-камчиликлар бартараф қилинмас экан, мухлисларнинг кўнгли бундан кейин ҳам футболдан совийверади.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»



БМТ махсус вакили Маами Мизутори яқинда шундай пессимистик маълумотларни маълум қилди: қурғоқчилик навбатдаги пандемияга айлиши арафасида ва ундан даволашни учун вакцина йўқ.

Маълумот берилишича, 1998 йилдан 2017 йилгача қурғоқчилик камиде 124 миллиард доллар зарар келтирган ва 1,5 миллиарддан ортиқ киши ундан азият чеккан. Айни вақтда глобал исиш сабабли Европа жануби ва Ғарбий Африкада қурғоқчилик кучайган. Қурғоқчилик ҳам пандемия каби узоқ вақт давом этади, кенг географик қўламга эга ва сезиларли даражада зарар келтиради. Бу омил қурғоқчиликка дуч келмаган мамлакатларга ҳам озиқ-овқат етишмовчилиги ва уларнинг нархи ошиши орқали таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, Африка, Марказий ва Жанубий Америка, Марказий Осиё, Жанубий Австралия, Жанубий Европа, Мексика ва АҚШда қурғоқчилик тез-тез ва кучли бўлиши кутилмоқда.

Дастлабки хавотирлар эса буй кўрсатмоқда. Тайвандаги иқлим муаммоси сабабли дунё бўйича микросхемалар етказиб беришдаги узиллишлар ва электроника ҳамда автомобиллар нархи ошишига олиб келиши мумкин. Яримўтказкичи чиплар етказиб берувчи дунёдаги энг йирик экспортёр мамлакат сув ва электр таъминоти боис ишлаб чиқаришдаги муаммолар кучайганини маълум қилди. Тайванда бир йилдан бери давом этаётган қурғоқчилик миллий иқтисодиётни жиддий зарба остига қўйди. Глобал исиш мамлакатда электр энергияси ва сув ресурслари етишмовчилигига олиб келди. Бу эса Тайвандаги микросхема ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тайвандаги иқлим ўзгаришини мониторинг қилувчи «Taiwan Adaptation Platform» сайтига кўра, 1957 йилдан 2006 йилгача бўлган давр ичида мамлакатда ёз фасли бир ойга узайди, қиш эса мос равишда 30 кунга қисқарди. Охиригиз юз йил давомида ўртача ҳарорат 1,3 даражага кўтарилди.

Яна хавотирли рақамлар: ҳар дақиқада дунё бўйлаб 23 гектар майдон чўлланиб борапти. Бу ҳолат давом этаяверса, 2050 йилга бориб, Ер юзининг 95 фоизи чўлланиши ва бу 3 миллиарддан зиёд одамни озиқ-овқат таъминотида қолдириши мумкин. Ўтган асрдан бери геологик муаммолар қаторига чўлланиш ҳам қўшилди. Жуда ҳам ёмони, чўлланган ўлкаларда экологик тизимлар бузилади, органик ҳаётнинг барча шакллари ёмонлашади. Бу дунёни табиий иқтисодий инқирозга олиб келади. Чўлланиш қашшоқликни келтириб чиқаради. Хозир яши яшаётган 3,2 миллиард одам яқин келажакда озиқ-овқат таъминотида азият чекишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳар йили дунё бўйлаб 12 миллион гектар, 1 дақиқада эса 23 гектар ер чўлланади. Шу кунларда Ер юзининг 75 фоизи чўлланиб борапти. Агар бу тахдид давом этаяверса, 2050 йилга бориб Ер юзининг 95 фоизи ярқочсиз ҳолга келади. Чўлланган сувли ҳудудларнинг 87 фоизи охиригиз 300 йил ичида шундай ҳолга келган. Яна ҳам яқин тарихга қарайдиган бўлсак, чўлланишнинг 54 фоизи охиригиз 100 йилга тўғри келган. Жануби-шарқий Осиё ва Африкада бу жараён ҳамон давом этмоқда. Ўзбекистонда эса ҳар

дақиқада 9 квадрат метр ҳудуд чўлланиб борапти. Охиригиз ҳисобларга кўра, Ўзбекистон ҳудудининг 70 фоизи чўлланиб борапти. Чунки бу ҳудуд жуда қуруқ ва унда сув ресурслари етарли эмас. Чўлланишга олиб келадиган омиллардан бири – қишлоқ хўжалигининг оқилона ташкил қилинмагани. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги чорва молларининг нотўғри ўтлатилиши ҳам бунга сабаб бўлади. Чорва моллари ўтлатишга юборилганда улар ўсимликларни идизи билан еб юборади. Бу эса деградация жараёнини тезлаштиради. Шунинг учун Ўзбекистонда экинларни томчилар сўғориш технологияси бошланган.

Об-ҳаво рекорд даражада иссиб кетиши Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига жиддий талафот етказмоқда. Сўнгги ойлари Марказий Осиёга қаттиқ қурғоқчилик бостири келаятганидан дарак бермоқда. Қирғизистондаги «Тўқтағул»

бўлишини башорат қилмоқда. Хусусан, Сирдарё сувининг катта қисмини оладиган Қизил Ўрда вилоятида бу йил маҳаллий маъмулар шоли майдонларини қисқартиришган, аммо чорва моллари учун ем-хашак етиштириш борасида ҳам вазият жуда оғир, ҳайвонлар ҳам жазираманинг жабрини тортишига тўғри келяпти. Қизил Ўрдан ғарбда – Мангистов вилоятида ҳам шу аҳвол. Қозғистон ҳукумати Қизил Ўрда ва Мангистов вилоятларида икки минг бошдан ортиқ ўт ҳайвонлари, асосан йилқи сув ва ем-хашак танқислигидан нобуд бўлганини тан олди. Тожикистоннинг Хатлон вилоятига қарашли Ёвон туманида ҳам айни вазият кузатилмоқда. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ўт йўқ, жазирама, қурғоқчилик.

Қирғизистоннинг Чўй вилоятида айрим фермерлар бу йил ҳосилдан буткул айрилганини ай-

Осиёни анча ҳолдан тойдирадиган кўринади. Ўтган ярим йил ичида Қирғизистонда ўсимлик ёғи икки бараварга, тухум ва гўшт ҳам қарийб шунчага қимматлади. Лекин энг катта «сюрприз» – сабзи бўлди: «Настоящее время» канали маълумотига кўра, унинг нархи икки ҳафтада тўрт карра – килосига 25 центдан бир долларгача ошган. Телеканал намойиш этган лавҳада, шунингдек, Қозғистон савдо вазири Бахит Султоновнинг «картошка ва сабзи излаб» Тошкентга боришга ҳозирланаётгани ҳақида хабар қилинган. Туркманистонда бир кило гўшт 65 манат ёки расмий курс бўйича қарийб 20 доллар туради, беш литр ўсимлик ёғининг баҳоси эса 250 манат ёки расмий курс бўйича 70 доллардан ортиқ. Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида (ТБМВ – Тожикистоннинг энг йирик вилояти, аҳолиси сони 250



Дунё янги «ПАНДЕМИЯ» қаршисида (ми?)

сув омборидаги вазият бунга ёрқин мисол бўла олади. 2021 йилнинг мартдаёқ Қирғизистон расмийлари омборда сув миқдори хавотирли даражада камайиб, атиги 8,7 миллиард куб метрга тушиб қолганидан оғохлантиришган эди. Умумий сифими 19,5 миллиард куб метр бўлган сув омбори учун бу, дарҳақиқат, жуда кам. Омборга сув Норин дарёсидан келади. Норин эса Тожикистон ҳудудидан ўтувчи ирмоқларидан йиғилган сувни Ўзбекистон ва Қозғистонга етказиб берувчи, Марказий Осиёда энг узун бўлиши Сирдарёга куйилади. «Тўқтағул» – айни чоғда Қирғизистондаги электр энергиясининг қарийб 40 фоизини етказиб берувчи энг йирик ГЭС жойлашган жой ҳамдир. Қирғизистонликлар шлюзларни ёпиб қўйиб, сув омборини тўлдириб олиш ҳақида гапиря бошлашган. Аммо 16 июнь кун мамлакатнинг энергетика вазири Дўсқул Бекмурзаев сув миқдори 10,9 миллиард кубга етганини маълум қилди. Қозғистоннинг Сирдарё сувига эҳтиёжи кундай равшан. «Қозғидромет» мамлакатнинг 14 вилоятдан 6 тасида кучли қурғоқчилик

тишмоқда. Сув танқислиги, бунинг устига, сўғориш тизимларининг эскириб кетганиги майдонларнинг тез намсизланишига олиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат сув ресурслари агентлиги директори Алмазбек Соқеев вилоятдаги айрим кичик сув омборларида ва дарёларда сув сатҳи улар меъёр даражасининг ярмидан камроғини ташкил этишини таъкидлаган эди. Қурғоқчилик Туркманистоннинг Марв ҳамда Лебап вилоятлари қишлоқ хўжалигига ҳам зарар етказмоқда, кўпбад фермерлар ҳосилнинг катта қисми бой берилишини тахмин қилишмоқда. Туркманистонда сув ҳатто Ашхобўд туманларида ҳам йўқ – пойтахт аҳолиси баъзан Цельсий бўйича 45 даражага чиқиб кетадиган ҳароратда деярли кун бўйи сувсиз қолмоқда.

Дунёда чўлланишнинг олдини олиш учун қатор тажрибалар бошланган. Масалан, «Хитойнинг Буюк ашил девори» лойиҳаси Гоби саҳроси ҳудудига даррахт ўтказиб, у ерни 2050 йилгача тўлиқ ўрмонга айлантиришдан иборат. Хитой бу лойиҳани 1978 йилда бошлаган ва унга 9,9 миллиард доллар пул ажратган. Натияжада Хитойнинг суный ўрмони 2009 йил ҳолатига кўра, 12 фоиздан 18 фоизга ўсган. Бу – Ер юзидаги инсон таъсирида яратилган энг катта ўрмон ҳисобланади. Чўлга қарши кураш ва кўпроқ даррахт-

миг киши бўлиб, катта қисми Россияда яшайди ва ишлайди. Камбағаллик даражаси бошқа минтақаларда 20-30 фоиз бўлса, ушбу вилоятда 40 фоизга яқин) одамлар нарх-наво Москвадаги билан тенглашиб қолганидан шикоят қилишмоқда. Айни пайтда, шунча муаммоларга қарамай, Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг ўзаро муносабатлари яхши. Юзага келган мураккаб вазиятда беш мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар муаммо ечимининг бош қалитидир.

Дунёда чўлланишнинг олдини олиш учун қатор тажрибалар бошланган. Масалан, «Хитойнинг Буюк ашил девори» лойиҳаси Гоби саҳроси ҳудудига даррахт ўтказиб, у ерни 2050 йилгача тўлиқ ўрмонга айлантиришдан иборат. Хитой бу лойиҳани 1978 йилда бошлаган ва унга 9,9 миллиард доллар пул ажратган. Натияжада Хитойнинг суный ўрмони 2009 йил ҳолатига кўра, 12 фоиздан 18 фоизга ўсган. Бу – Ер юзидаги инсон таъсирида яратилган энг катта ўрмон ҳисобланади. Чўлга қарши кураш ва кўпроқ даррахт-

Жиззах вилояти
60-мактаб нафақат Зомин туманида, балки вилоятда ҳам таълим-тарбия соҳасида эришяётган ютуқлари билан ўзига хос ўринга эга. Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичлари, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этмоқда.

Хотира турнири Устозни ёд этиб...

Педагоглар «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида совринли ўринларни эгаллаган. Илғор ўқитувчиларнинг тажрибасини оммалаштириш, ёш ўқитувчиларга амалий ёрдам бериш борасида маҳорат дарслари, семинар-тренинглр доимий равишда ўтказиб келинади.

Бундай ютуқларда жонқуяр педагог, мактабнинг собиқ директори Абдурашид Муҳайминовнинг хизматлари катта эди... Шунинг билан олиб, мактаб жамоаси Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Зомин тумани кенгаши билан ҳамкорликда устоз хотирасига бағишлаб турнир ўтказди. Беллашувда 60-мактаб жамоаси баскетбол, 9-мактаб жамоаси стол тенниси, 4-мактаб ўқитувчилари эса волейбол бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, турнирда «Энг кекса иштирокчи», «Энг тажрибали ўйинчи», «Энг ёш қатнашчи» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга эсдалик совғалари топширилди.

Дилфуза АБДИҚУЛОВА,
Зомин туманидаги 60-мактаб бошланғич касаб уюшма кўмитаси раиси

Оламда нима гап?

ларни кўпайтириш мақсадида Хитой тупроқ кам ҳудудларга тепадан уруғ экиш ва кўпроқ қурғоқчил бўлган ҳудудларга даррахт ва буталар экиш учун фермерларга маблағ ажратяпти. Бироқ бу Хитойда яна бир муаммони келтириб чиқараётгани айтиляпти. Агар саҳрога экилган даррахтлар илдиэ отиб, худудга мослашадиган бўлса, бу тупроқ таркибидеги намлик камайишига олиб келади. Чунки ўрмондаги сув ерининг бошқа ҳудудларига қараганда кўпроқ буғланади.

Исроил ҳам чўлланишга қарши янги тажриба қўлади. Исроил давлатининг 95 фоиз қисми қуруқ ва қурғоқчил иқлимга эга. Мамлакатнинг 60 фоиз ҳудуди Негав қўлидан иборат. Шунинг учун ҳам Исроил чўлланиш ва тупроқ деградация муаммолари билан доим курашиб ашайишга тўғри келади. Исроилнинг чўлланишга қарши курашдастурини сувни марказлаштирилган бошқарув асосида йўналтиришга қаратилган. Бундай бошқарувга, сув нисбатан кўп ҳудудлардан сув танқис минтақаларга етказиш, сув кўп бўлган йиллари захирада сув ғамлаб, қурғоқчил йилларда сарф қилиш, чиқинди сувларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун қайта тозалаш, чўл ҳудудида даррахтларни кўпайтириш, сув хусусиятига мослашган ўсимликларни иқлим ва тупроқ шароитига мослаштириш кирди.

Исроил бу вазифани амалга оширишни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги зиммасига юклаган. Вазирлик тупроқ эрозияси бўйича деҳқонларга кўмаклашиш учун мутахассислар юборди. Охиригиз 50 йил ичида Исроил 200 га яқин майдонда 260 миллиондан ортиқ даррахт экди. Бу майдонларнинг аксарияти иқлими қурғоқчил, тоғли, қишлоқ хўжалиги учун ярқочсиз ерлар эди. Шунингдек, Исроил ўрмонзорлаштиришнинг янги технологиясини ишлаб чиқди. Бу ярим қуруқ ва қурғоқчил ерларни «саванналаштириш» дейилади. «Саванналаштириш» амалиётида атрофи даррахтлар билан ўралган тоғ ёнбағирларида ҳрсил етиштирилади. Бу – биохилма-хилликни сақлаб қолиб, тупроқ унумдорлигини оширади.

Энг муҳими, қурғоқчилик ва чўлланишнинг олдини олиш учун инсоннинг табиатга экологик маданиятни, инсонларнинг табиатга меҳрини ошириш зарур. Инсон – табиатнинг бир бўлаги. Табиатдан унга зарар етказмасдан фойдаланиш лозим. Табиатдан оладиган ресурсларимиз эртага тикланиши шарт. Агар тикланмайдиган ресурсларни олсак, бу – ернинг қашшоқланиши ва чўлланишига олиб келади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
шарҳловчи



Шу йил баҳор фаслининг бошида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросоноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Андижон вилояти бошқармаси ўзининг 2020 йилги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани уюштирди. Унда масъуллар йил давомида ўтказилган назорат тадбирлари, аниқланган қонунбузарликлар, қабул қилинган маъмурий қарорлар ва киритилган тақдимномалар ҳусусида батафсил маълумотлар беришди.

Бизни эса инспекция ҳисоботидан кўра кластерлар ва фермерлар муносабатларига оид айрим масалалар қизиқтирарди. Шу боис, мутасаддиларга мурожаат қилдик:

– Маълумки, фермер қишлоқ ва сув ҳўжалигига доир қонуналарга риоя қилмас, ресурслардан оқилона фойдаланмас, унга нисбатан тегишли чора кўрилади. Буниси тўшунарли, аммо кластер фермер манфаатларини бузганда, инспекциянинг «қўли» қаергача етади? Бундай дейишимизнинг боис, кластерлар тадбиркорлик субъектлари сирасига киритилган. Қонунчилигимиз эса тадбиркорни унча-мунча идора безовта қилишига йўл қўймайди.

Айтишларича, инспекцияга кластер мутасаддилари устидан шикоят келиб тушса, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти

яшовчи эллика яқин пиллакор тахририяти-мизни ўзлари учун «танка»га айлантиришди. Йўқ, улар бировдан ош-нон сўрашмади, фақат битта дардларини айтишди. «Илтимос, топширган пилламаз ҳақини – пешона терими маҳсулини ундиришда кўмаклашнглар. Чунки кластер масъулларига ялинавериб чарчадик», дейишди.

Мана, иккинчи мавсумдирки, тахририят вакили «Ўзбекипаксаноат»га сим қоқиши, уюшма эса кластер мутасаддисининг «кулогидан тортиб кўйиши» туфайлигина туман пиллакорларига меҳнат ҳақлари етказиб бериляпти. Энди, бир ўйлаб кўринг, шу масала аслида вазирилик мақомидаги уюшма миқёсида ҳал этиладиган муаммоми?

Энди фермерларни қийнаётган энг асосий саволга жавоб излаб кўрайлик: эзгу орзу-ниятлар билан тузилган кластерлар нега

Таҳлил ва таклиф

верса, кластерлар томонидан фермерга топширган ҳосили ҳисобидан кунжара, шелуха каби маҳсулотлар бериш масаласи ҳам деярли йўққа чиқарилмоқда.

Албатта, фермернинг ҳам ўз режалари бўлади. Қўл остида ишловчи деҳқонларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдан ташқари, давлат томонидан илгари сурилаган самарали ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиши учун унга катта маблағ керак. Дейлик, бу йил деҳқончиликка сув тежовчи технологияларни жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Кластердан ўтган йилги даромадини ҳануз ололмаган фермер қандай қилиб, қайси маблағи эвазига бу янгиликни фурсат ғаниматда амалиётга жорий эта олади?

Пахтани қуритиш-тозалашга боғлиқ тарифларни кластер фермер билан келишган ҳолда ёки уларнинг фаолиятини ҳимоя қилувчи органлар, жумладан, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари иштирокида ишлаб чиқиши зарур. Амалда эса ҳар бир кластер бу борада ўз билгича иш тутмоқда. Собиқ «Пахтас-



ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил – Бизнес-омбудсманга хабар берилади. Унинг розилиги олинган, кластер фаолияти текширилиб, можарога оидлик киритилади. Масалан, шу асосда ўтказилган текшириш жараёнида аниқланишича, бултур Пахтабод туманидаги кластер масъуллари бир фермернинг пахтадан ортирган даромадидан қуритиш-тозалаш харажатлари учун 22 миллион сўм ортиқча пул чегириб қолишган. Туман бўйича фермерлар ҳисобидан ноқонуний ушлаб қолинган жами маблағлар миқдори эса 1 миллиард 953 миллион сўмни ташкил этган.

Жорий меъёрларга биноан, пунктга топширилган пахтанинг намлик даражаси 9, ифлослик даражаси эса 2 фоизга тенг бўлиши керак. Хар иккала кўрсаткич меъёрдан ортиқ бўлганда, кластер қуритиш-тозалаш харажатларига ҳар тонна пахта учун фермер ҳисобидан ўртача 50-55 минг сўмдан ушлаб қолади. Бу нормал ҳолат. Марҳамат тумани пахта кластери эса айна масалада ҳар тонна ҳосил учун етиштирувчиларга қўшимча харажатида 30 минг сўмдан «солиқ солган». Табиийки, бундай вазиятда фермерлар ўз ҳуқуқларини талаб қилишга ҳақли.

Аслида бундай ҳолатлар кластер-фермер муносабатларига оид кемтикликларнинг бир қирраси, холос. Чунки сўнги икки йил ичида турли ташкилот-идораларга кластерлар устидан арз қилувчи фермерлар кўпайди. Кузатувлардан аён бўлишича, пахта ҳосилига давлат буюртмачи бўлган даврга нисбатан ҳозир фермерлар томонидан судга даъво аризалари киритиш ҳам анча кўпайган.

Дарвоқе, фермерлар дардига кулоқ тутсангиз, уларнинг фиғони фалакка чиқади: «Кластерга шартномавий қараммиз. У пахта даромадини вақтида ҳисоб-китоб қилмаляпти. Ҳақимизни бераётганда эса ҳали у, ҳали бу хизматини рўқач қилиб, катта суммадаги пулларимизни ушлаб қоляпти. Қисқаси, кластер биз кутган ва орзу қилган тузилмага айлана олмайди. Қайтага, пахтага давлат буюртмачилик қилган кезлар деҳқонларга муносабат яхшироқ эди...».

Пиллачилик кластерларига нисбатан ҳам шунга ўхшаш жиддий эътирозлар тез-тез кулоққа чалинмоқда. Ёдингизда бўлса, ўтган йили «Ishonch» газетасида «ANDIJAN SILK CO» МЧЖ пилла кластери фаолиятига дахлдор «Матмуса неча марта уйланади?» сарлавҳали танқидий мақола ёритилганди. Натижада Марҳамат туманининг Бирлик маҳалласида

кутилган натижани бермаяпти? Улар нима учун ўзларига билдирилган ишончни оқламайпти?

Кузатувлар асосида чиқарилган хулосалар эса қуйидагича: аввало, фермерлар кластерга шартномавий қарам бўлиб қолишмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, фермер мутасадди фаолият юритиш ҳуқуқига эга. Амалда эса кластерлар билан муносабатларда танлов имконияти йўқ ҳисоби. Айтилик, Андижон вилоятида ҳозир МЧЖ шаклидаги 13 та пахта-тўқимачилик, 5 та пиллачилик кластери билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Ҳақ-ҳуқуқи учун астойдил курашишга қодир саноқли фермерларни истисно қилсак, қолганлари маҳаллий ҳокимлик мутасаддиларининг маъмурий буйруқбозлиги остида кластерлар билан шартнома имзолашади.

Албатта, шартнома – томонлар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини англаган ҳолда онгли равишда тузиладиган ҳужжат. Не дейсизки, шартлари кластер томонидан шакллантирилган шартномаларни имзолаш жараёни баъзан пайсалга солиниб, йил охирига қадар атайин кечиктириляётгандай. Ҳолбуки, бу вақтда ҳамма байрам ташвишлари билан андармон бўлади. Ана шундай бир вазиятда маҳаллий ҳокимиятнинг «Масала бугундан қолмаслиги керак!» қабилида иш тутиб, шартномани имзолашга аралашуви кластерга жуда қўл келади.

Барча фермер бир жойга йиғилган, шартномани дўппини бошдан олиб, бафуржа ўқиб чиқиш имкони бўлмаган пайтда кўпчилик «Бор-э!» деб имзо чекиб юборади. Келаси йил якунида эса кўпинча кластер ва фермер ўртасида молявий низо келиб чиқади. Судда, турган гапки, аксарият ҳолларда кластер байроқни илиб кетади. Чунки унинг қўлида фермернинг икки оёғи бир этикка тиқилган дамларда муҳрланган ҳужжат бор. Бу фикримизни исботлайдиган далиллар истаганча топилди.

Ўзаро гурунглр чоғи кўпчилик фермерлар «оқ олтин»га давлат буюртмачилик қилган кезларда пахтадан олинган даромад ҳар йили 31 декабргача ҳўжаликнинг ҳисоб-рақамига келиб тушганини таъкидлашади. Кластер тизими жорий этилгандан буён эса аксарият ҳолларда бундай ҳисоб-китоблар вақтида амалга оширилмаяпти. Фермернинг ҳақини тўрт ой, олти ой, ҳатто бир йил кеч бериш аънаанага айланиб улгурди. Қола-



Нурилло НУЪМОНОВ, «ISHONCH»



Тил ҳам тирик бир вужуд. У ҳам ривожланади, бойиёди, ўсади, гоҳида таназзулга юз туттади. Тилимиз шўролар даврида бир қадар тазйиқ ва таназзулга яқин даврни бошдан кечирди. Аввал бир неча бор имлонинг ўзгартирилиши, муқобили бўла туриб, тилимизда мавжуд сўзларнинг русча вариантларидан сунъий равишда фойдаланиш, тилимизда мавжуд нутқ товушларининг алифбода акс этмаслиги – булар халқимиз тарихида яратилган илмий, адабий-бадий, диний тил шаклидан халқимизни узоклаштирди. Натижада Носириддин Рабғузийдан тортиб Алишер Навоийгача, ҳатто XVIII аср манбаларигача бўлган битикларни салкам таржимада ўқиш даражасига етиб келдик.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қарши давлат педагогика институтида ўқиб юрган давримиз эди. Тўра Нафасовнинг мунозарага бой дарсларидан бирида ўзлашма сўзларнинг талаффузи ва имлоси ҳақида баъс бошланди. Устоздан сўрадик: «Нега руслар ўзбекча сўзларни ўз талаффузига мослаштириб айтади ва шундай ёзади, биз эса аксинча, уларнинг сўзларини ишлатадиган бўлсак, русча талаффузи ва русча имлога қатъий риоя қилишга мажбурми?».

Ушанда мунозара узок давом этган, савол эса очик қолганди. Устозимиз мунозара қачунрашса, бу баъс сўзнинг тус олишидан хавотирланганим, асл сабаб ҳақида гапирмаган. Бироқ кейинчалик кўпчилигимиз англадикки, бу бошқа миллатларнинг барчасини руслаштириб, бутун мамлакат аҳлини битта, ягона «совет кишисига» айлантиришга қаратилган ўша давр мафқурасининг маҳсули экан. Мана ўттиз бир йилдирки, тилимиз давлат тили мақомида. Салкам ўттиз йилдирки, мамлакатимиз мустақил! Энди ҳам тил масаласида муаммолар борми? Бор бўлганда қандок!

Менимча, дунёда соф тилнинг ўзи йўқ. Кейинги юз йиллик, айниқса, XXI асрнинг дастлабки шиддаткор ўн йилликларидида глобаллашув Ер юзидида тилларни ҳам бир-бирига анча яқинлаштирди. Фақат мустақил йилларнинг ўзидаёқ тилимизга кириб келган минглаб сўз ва атамаларни санаб адоғига етолмайсиз.

Назаримда, энди янги пайдо бўлган сўзларнинг мафқурий томонини ўйлаб эмас, тилимизга қай даражада сингишиб бораётгани, шу сўзнинг аввалдан ишлатилиб келинаётган муқобили бор-йўқлиги, агар бор бўлса, қай бири тилимиз ва халқимиз руҳига яқинлигига қараб қўллаш лозим.

Айрим ҳолларда бошқа муассасалар у ёқда турсин, ҳатто таълим даргоҳлари ёки турли даражадаги давлат идораларига тегишли ҳужжатлар, пешлавлаларда ҳам ўзбек тили қоидаларига мос келмайдиган сўз ва ибораларни учратамиз. Масалан, ҳужжатхона сўзини олайлик. Айрим жойларда эшик тепасига катта қилиб ёзиб қўйилган бу сўз ўрнига оддийгина архив деб ёзиш мумкин-ку?! Тилимиз софлиги учун ҳужжатхона дейилдиган бўлса, аслида шу бирикманинг ўзи ҳам ўзбекча эмас. Бу сўз араб ва форс тилларидан ўзлашган бирикма. «Ҳужжат» арабча сўз бўлса, «хона» форсча. Бироқ тан олишимиз керак, бугун оғзаки сўзлашувда архив сўзи ўрнида ҳужжатхона

атамасини деярли ҳеч ким ишлатмайди. Рус тилидаги «огнеопасно» сўзи ёқилғи қуйиш шохобчалари деворларига ёхуд ёқилғи ташийдиган транспорт воситалари ёнбошига огоҳлантириш маъносига ёзиб қўйилади. Айрим ўринларда «ёнғинга хавфли» деб ёзиб қўйишади. Ахир шунинг оддийгина қилиб «хавфли ёқилғи» ёки «хавфли ёнилғи» деб ёзиш мумкин-ку?! Тилимизда доимий исдиғимда бўлган «гунг» ва «соқов» сўзлари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Аслида гунг мутлақо сўзлай олмайдиган, соқов эса сўзларни чала, ярим-ёрти талаффуз қиладиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Мутахассис бўлмаган оддий фуқаро нутқи уёқда турсин, ҳатто оммавий ахборот воситалари ёки бадий асарларда ҳам бу сўзлар гоҳида ўрин алмашиб қолади ёхуд тескари маънода қўлланади. Масалан, устоз Эркин Воҳидовнинг «Сўз лафофати» китобида келтирилган «хунук» сўзини олайлик. Бу сўз тилимизга, устоз таъкидлаганидек, форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, аслида «совуқ» деган маънони англатади. Биз эса уни «чиройли» сўзининг антоними, яъни тескари маъносига ишлатамиз ва шунга кўниканмиз. Ёки рангни билдирувчи «кўк» сўзини олайлик. Биз айрим пайтларда бу сўзни «яшил» сўзи ўрнида қўллашга ям-ашил ўтлар барқ уриб ётган далага нисбатан «атроф кўм-кўк» иборасини ишлатилиб ва бундан сўзловчи ҳам, тинловчи ҳам ажабланмайди ва назарда тутилган маънони англайди.

Сўзни бошқа маънода қўллашда озгина меъёр, фаҳм бўлмоғи керак инсонда. Телвидениеда бериладиган рекламаларнинг бирида «товуқни емоқ» ибораси бир неча бор ишлатилган. Қизик, биз товуқни эмас, товуқ гўштини истеъмол қиламиз. Кейин тилимизда истеъмолда бўлган аксарият сўзларнинг нотўғри қўлланиши айрим сўзларнинг таржимаси билан боғлиқ. Масалан, кейинги пайтларда янги фаолият бошлаган корхоналар пештоқига «Биз очилдик!» деган грамматик қурилиши ҳам, маъноси ҳам ўзбекча бўлмаган сўз бирикмаси ёзиб қўйилган. Бу ибора рус тилидаги «Мы открылись!» жумласининг тўғридан-тўғри таржимасидир. Балки бу бирикма рус тилида назарда тутилган маънони ифодалар, бироқ ўзбек тилида «Биз фаолиятимизни бошладик!» ёки «Бизнинг корхонамиз очилди!» маъноларини ифодаламайди.

Аслида сўз ва бирикмаларнинг таржимаси икки хил бўлади. Улар биринчидан, мазмунига қараб таржима қилинса, иккинчидан, сўзма-сўз таржима қилинади. Бир пайтлар Абдулла Ориповнинг «Арманистон» шеъри рус тилига ўғирилганда «Ереван дарвозасига бош урмоқ» жумласи «Ереван дарвозасига бошим билан зарба бердим» шаклида таржима қилинган ва бундан раҳматли устозимиз анча пайт озурда бўлиб юрганди. Зеро, яхши биламизки, бош урмоқ ибораси ўзбек тилида зиёрат қилмоқ, тавоф этмоқ маъноларини ифодалайди. Она тилимизга оид муаммолар ҳақида гап кетганда бир воқеа бот-бот ёдимга тушади. Тезорар поездада Қаршидан Тошкентга кетаётгандим. Самарқанд шаҳридан мен жойлашган кутубхона икки нафар талаба чиқиб келди. Улар мен билан ўзбек тилида, вагон назоратчисини билан рус тилида гаплашди. Энг таъсирлиси, бизнинг бўлмағимиз кириб келган наватбатдаги йўловчилар – эр-хотин инглизлар билан инглиз тилида, охириги йўловчи – француз йигит билан эса француз тилида мулоқот қилишди. Тўғриси, бу ёшларга хавасим келди. Маврида келганда, курсдошим, филология фанлари доктори, профессор Нафасхон Шодмоновга ёшларнинг тил ўрганишидаги зуққолиги ҳақида сўзлаб, ўша таассуротларимни тўқинлашиб гапириб бердим. Бироқ, домла бироз ўйлиниб турди-да, ачиниш билан бош чайқаб, шундай деди: «Тўғри, ёшларнинг кўп тил билгани яхши. Бироқ, ачинарли томони шундаки, хорижий тиллар ўрганаётган аксарият ёшларимиз ўша она тилимиз – ўзбек тилини яхши билмайди...».

Домла тўғри айтди. Биз аввало ўз тилимизни мукамал билимоғимиз ва фарзандларимизга ҳам уни чуқур ўргатишга ҳаражат қилмоғимиз лозим. Назаримда, тилга оид ҳал қилганимиз керак бўлган муаммолар ҳақида бўлган ва замон тараққиётига боғлиқ ҳолда бу муаммолар у ёки бу даражада доимо бўлиб туради.

Юқорида айтганимиздек, дунёда соф тилнинг ўзи йўқ. Машхур қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоннинг «Минг бир сўз» номли китобида биригина рус тилига туркий тиллардан ўзлашган мингдан ортиқ сўз келтирилган. Айна пайтдаги турколог олимларнинг эътирофича, у сўзларнинг сони беш мингдан ортиқ.

Аслардан асларга ўтиб келётган, минглаб алломаларнинг маънавият дурдоналари – турли соҳадаги битикларини бизгача етказиб келган она тилимиз дунёдаги энг қадимий, бой ва жозибали тиллардан бири. Уни севмоқ, имкон бўлса, янада бойитмоқ, тил одоби ва сўзлашш маданиятига амал қилмоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, тил она каби муқаддас, она каби улғурди. Тилга қай даражада эътиборли ва масъулиятли муносабатда бўлиш ҳам ички маданият ўлчови эканини унутмаслигимиз керак.

Ниезмұхаммад ПАНЖИЕВ, Миришкор туманидаги 20-иختиссолаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Умиджон ҚОДИРОВ

2002 йил 18 январда Жиззах вилоятининг Арнасой туманида туғилган. Қозғоғистон Республикаси Тараз унурлик университети талабаси.



Матонат уруғин эккан эл

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига

Сезганда ёв Спитамен шиддатин,
Кўрсатдилар ёлғон, алдов химматин,
Сен Широқсан ўзарттирган қисматин,
Муқаннадек тандирида ёнган эл.

Ясавийнинг тариқатин англаган,
Сен чашмасан, тошлар ичра қайнаган,
Зардуштийнинг ҳақсизликка кўнмаган,
Илк зиёни дунёларга ёйган эл.

Осмоида бўлса қора булутлар,
Жалолиддин янглиғ чиқди бургутлар,
Йўқотмоқчи бўлишди тарихинг,
Сен барчасин яхшиликка ёйган эл.

Алпомишинг енган эди ёвларни,
Фарҳод сен деб, ўнган эди тоғларни,
Яратдинг сен, ўша гулу боғларни,
Матонатнинг уруғини эккан эл.

Жаҳидларинг қисматини кўргандинг,
Ҳақ сўзларни айтмоқликни ўргандинг,
Улсанг ҳам сен, Ватан дея ўлгандинг,
Қабоҳатдан, зулумотдан тўйган эл.

Кўзларингда қолди аччиқ ёшларинг,
Мустақилсан эзилмаёй бошларинг,
Қадам ташлар, шиддат ила ёшларинг,
Бу кунларни қанча вақтлар кутган эл.

Жаҳон сенга қараб, бу кун бўлди лол,
Толенинга бахт қайтарди истиқбол,
Манглайингда чарақласин истиқлол,
Ўз ҳурлигин, озодлигин туйган эл.

Буюкликка, мангуликка йўл олган,
Шонли тарих қаймоғини эккан эл.
Минг даҳолар, буюкларни тўққан эл,
Матонатнинг уруғини эккан эл.



Азим АХТАМОВ

1999 йил 23 январда Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

(Бе)она

Ёз кунларининг бирида онам билан ҳовли су- пасида гурунглашиб ўтирарканмиз, қўшим- миз Зулайҳо опанинг ўғлини бақириб уриша- ётгани қўлоғимга чалинди. Бу уларнинг ҳар кунги одати. Ҳар сафар шундай бақир-чақир бўлганда, ўзимни гўё улар ёнидадек ҳис қиламан.

Ўртада девор борлиги билинмай кетади. Она-бола эса қўшнилاردан уялмайди. Онамга термулганча «Она-бола ҳам шунақа бўлар- кан-да!», дейман. Волидам меҳр тўла нигоҳини ерга қадаб «Этибор берма, болам», деб қўяди. Зулайҳо опа онамнинг яқин дугонаси бўлгани учун унинг айбини беркитишга уринади...

Вақт ўтиб, Зулайҳо опанинг ўғли пойтахт- даги нуфузли университетлардан бирига ўқишга кирди. Бир кунги она кўзлари қизариб уйимизга кириб келди. Онам уни кўриши билан ҳол- аҳвол сўраб, «Тинчликми? Нима бўлди? Қани, ўтиринг-чи!», дея супага таклиф қилди. Мен де- разадан уларни кузатиб турардим. Онам иссиқ чой қуйиб узатаркан, «Тинчликми, нима бўлди?», деди яна бир бор. Онам шу гапни айтиши билан, Зулайҳо опа бақириб йиғлаб юборди. Шу йиғла- ганча бўлган воқеани айтиб берди:

— Болам Азаматжон Тошкентга ўқишга кириб мени эсламай қўйди. Мана, икки ой бўляпти. Кетгандан бери бирор марта кўнғироқ қил- мади. Ўзим кўнғироқ қилсам, ўчириб қўяди. Охири бугун қайта-қайта қилган кўнғироғимга «Нимааа?», деб бақириб жавоб берди. Мен эса уни қийиб, «Онага ҳам шундай дейдими?», дейишга улгурмасимдан «Яна ўша гапми?!», деб телефонни ўчириб қўйди.

Бу сўзлардан сўнг онам Зулайҳо опани анча вақт юпатмишга ҳаракат қилди. Мен эса бундан ҳайратга тушмадим, ажабланмадим. Ҳаёлимда шу чалқаш фикрлар чарх уради: «Ўғлининг бундай муносабатига Зулайҳо опанинг ўзи са- бабчи эмасмикан?».



Зомин илҳомлари

Айни пайтда сўлим гўша бўлган Ўриклисойда ёш ижодкорларни жам қилган Зомин семинари давом этмоқда. Унда иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда машғулотларда қатнашишяпти, устозлардан маҳорат дарсларини тинглаш баробарида ўзларининг ижод намуналарини тортиқ этишяпти. Қуйида Зомин семинари кашф этган истеъдод эгаларининг ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола этаймиз.



Дурдона ҒУЛОМ қизи

2002 йил 1 январда Қашқа- дарё вилояти Яккабоғ туманида туғилган. Термиз дав- лат университети хорижий филология факультетининг биринчи босқич талабаси.

Кутимш

Кўзимда сайр этар орзу,
Қалбим тинч ётармикан?
Кутганим охири йўқ,
Бугун тонг отармикан?

Кулгичим яширолмай,
Жилмаман тинмайин.
Хаёл ҳаётга ҳоким,
Телбалик бўлди тайин.



Ҳалим МАЛИК

1988 йил 6 мартда Сурхондарё вилояти Кумкўрғон тумани Янги қишлоқ маҳал- ласида туғилган.

Юртим

Юртим, сени мадҳ этмоқ учун
Кўп бор қўлга қалам олдим мен.
Борлигинча куйлаша кучим
Етмай, ҳар гал ожиз қолдим мен.

Юзлаб суйган, куйган ошиқлар,
Ишқларини бўрттириб битдим.
Яратолдим минглаб қўшиқлар,
Муҳаббатни тараннум этдим.

Аммо, юртим сенинг ўзинга,
Биргина байт ёзолмай ёндим.
Қаролмайман, йўқ-йўқ, кўзинга,
Қошиингда мен гуноҳда қолдим.

Ахир бутун олам шаънини,
Мадҳ этса-ю, мисоли булбул.
Лекин мушфиқ Онажонини,
Куйлолмаса, қандай фарзанд ул?!



Нигора МУҲАММАД

1996 йилда Наманган туманида туғилган. Наманган давлат уни- верситети жаҳон тил- лари факультети та- лабаси.

Бир кунлар келдики...

Уфқидан уйғонди бир илиқ туйғу,
Чечакни эркалаб шўх сабо елди.
Дилларда шукрона, кўзларда кулгу,
Бир кунлар келдики, бир кунлар келди.

Ҳаловат ҳис этиб, оҳ, бу кун буткул,
Боғларда бехатар жилоланар гул,
Истаган куйини куйлайди булбул,
Бир кунлар келдики, бир кунлар келди.

Тинч тунни тонгларга улар юлдузлар,
Сокин тун самода кулар юлдузлар,
Қўл чўзсанг, кафтингга кўнар юлдузлар,
Бир кунлар келдики, бир кунлар келди.

Ғамни йироқ тутса кундуз елкаси,
Дунёни тебратар оқшом бекаси,
Бешикда жилмаяр юртнинг эртаси,
Бир кунлар келдики, бир кунлар келди.

Бок, дўстим! Кўнглинда зўр ифтихор туй,
Хазонлар қуйламас ортқ ҳазин куй,
Гар суйсанг бу юртни, бординг билан суй,
Бир кунлар келдики, бир кунлар келди.

Ўриклар кеч пишган йил



Отабек ИСРОИЛОВ

1999 йил Тошкент ви- лояти Ўрта Чирчиқ ту- манида туғилган. Ўзбе- кистон журналистика ва оммавий коммуника- циялар университети талабаси.

Вақт ҳеч кимни, ҳеч нимани аямас экан. Уруш сурунига, унинг не-не қиронли бўруну тў- фонларига кўксини қалқон қилган йигитлар вақтинг энгил шаббодасида уфққа бош кўй- ган офтобдек яширинмоқда. Салкам бир эс- рининг шамоллариға қад букмай келаётганлари ҳам бугун улуг ёшдалар. Табарруқ бу отахонлар ҳар қанча раҳматга, ҳар қанча эъзозу эҳтиромга лойиқ.

Улар фронтга отланганида мурғак ўспирин эдилар. Қишлоғидан нари хатламаган не-не навқирон ўғлонлар ёмғирни ёпинчиқ, тошни ёстиқ қилиб жанг қилди, қон кечди, жон олди, аммо жон бермади. Улар Ватанига, ота-онаси, ука-сингиллари бағрига қайтишлари шарт эди! Улар ўзга юртларда ҳоки қолган қуролдошлари учун ҳам яшашлари керак эди!

Уруш тауганига беш йилдан ошди ҳамки, ўр- тасаройлик Муҳиддиннинг ота-онаси кўнглига шам тутсангиз-да ёришмайди. Ўғли қаерда экан ҳозир? Ота-ку кўчада овунар, муштипар она- нинг на еган-ичганида ва на уйқусида ҳаловат бор. Турса-да, юрса-да фикр ёди кенжасида. Охириги хатини олганига ҳам икки ойдан ошди. Мана ўша қоғози сарғайган мактуб:

— Оз қолди, онажон! Оз қолди. Яқин кун-

ларда хизматни тугатиб, ёнингизга бораман. Оз қолди...

Она рўмоли учи билан кўзлари намини артар экан фронтдан келган бошқа хатларни ўқийди:

— Бизлар яхши йигитлармиз. Улимдан қўрқ- маймиз. Душман келса агар, ер билан яксон қи- ламиз...

— Меҳрибонлар, ҳаммангиз ўғлим кетди, деб куюнманг. Ўғлингиз барчани, Ватанини сақлаш учун кетган бўлса. Тез кунда қайтаман...

Давомини ўқишга улгурмади. Оғилда сигир маърайди, рўзғорбошига нонушта бериши, уни далага кузатиши керак. Ёзининг боши бўлса-да, кечагина осмонни қоплаб турган хира булутлар бугун тарқаган, кўёш серҳимматлик билан ча- рақлаяпти. Аммо онанинг кўнглидаги ғашлик бу- лутлари тарқамди. Бу кўнглини умиднинг митти юлдузи ёритиб турарди, холос.

Сигир соғани, қозонда сут пиширгани, ўрик соясидига супага чой тайёрлагани, эрини тамад- дига чорлагани... Она нима қилганини англаб- англамай баждарди. Кўёш чарақлаган осмонга туйқус қаради-ю, ўрик япроқлари аро тушаёт- ган нур кўзини олди. Шу маҳал бир жуфт ўрик супага тушди. Уни дастурхонга олар экан, офтоб нуриданми ё ўрикни омонлик тилаб тотигани-

данми, бироз жилмайди. Бироқ кўнгли кургур ҳеч табасум қилолмасди.

Дарвозанинг очирилиши билан онанинг кўн- гли эшиклари ҳам очилди, нурдан ёриша бошлади. Бутун борлиқни чароғон этаёт- ган офтоб энди она кўнглини ҳам ёғду билан тўлдирди. Дилдаги умид юлдузи офтобдек ча- рақлай бошлаганди.

Қаҳрамон аскарнинг қадам товушларини ўрик ҳам эшитгандек гўё. Жангчининг ризқи ота ҳовлисидан узилмаган экан. Катта тавозеъ билан бир жуфт ўрик дастурхонга тушди. Она ўрикни беихтиёр ўғлига тутди. Ўғил омонлик тилаб, то- тиб кўрди. Нақадар тотли, бунчалар шарбатга бой! Аскарни, жигарбандини ота ҳовли ҳам қут- лаб қаршилагандек.

Саккиз йил аввал – 1943 йил 23 февралда фронтга кетган 18 ёшар йигит анча улғайган, ҳатто анчайин қартайган ҳам эди. Қишда ота- она қалбини қорга буркаб кетган ўғил саккиз йил ўтиб – 1950 йил 22 июнда ота уйи, она қиш- лоғига қайтди. Қайтганда ҳам ёз бўлиб, офтоб- мисол чарақлаб, кўнгиллари нурга буркаб қайтди. Шу кундан эътиборан Дусанбоевлар уйи энди умрбод нурафшон манзилга айланди.

Шундан бери қанча сувлар оқмади, қанча қорлар эримди, дейсиз. Энди бу дарвоза- дан йўқловга меҳмонлар келади. Жанги ота- хон меҳмонларни дуо билан кузатар экан, ўрик кеч пишган йилни қайта хотирлади. Бу йил ҳам ўриклар кеч пишадиганга ўхшайди. Бироқ бу йилгиси бўлак. Бу йил пишажақ ўриклар тинч- ликнинг неъматларидир.



Хоразм вилояти

Боқий анъаналар

Кулолчилик – қора лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган энг қадимий ҳамда навқирон санъат. Хоразм кулолчилиги узоқ тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Сопол буюмлар содда бўлса-да, унинг кўриниши, қисмларининг сақланиши, нақшларнинг бадий жонланиши, шакли, мазмунининг бирлиги Хоразм кулолларини жаҳонга танитиб келган.

Кулол қўлларида яралган




Мўъжиза

XX аср бошларида Хоразмда Кўҳна Урганч (Эшмурот уста), Хива, Мадир (Хонқа яқинидаги қишлоқ) ва Каттабоғ (Янгариқ) кулоллар мактаби фаолият кўрсатган. Хоразм кулолчилик мактаби Риштон (Фарғона), Тошкент, Самарқанд, Жизвонон (Бухоро) ва бошқа кулолчилик мактабларидан ўзига хос яшаш услуби, технологияси, нақш композицияси, ранги, динимиклиги (уйноқилик), эстетик таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Хоразмда бу қадимий санъат авлоддан авлодга анъана тариқасида ўтиб келган ва ҳозирги кунда ҳам

ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Хоразм кулолчилик мактаби ривожланишида Раҳимберди Матчановнинг ўрни тенгсиздир. Раҳимберди Матчанов Хоразмнинг қадимий кулолчилик марказларидан бири Мадир қишлоғида 1909 йил кулоллар оиласида дунёга келди. Шу даврада қишлоқда 27 та кулолчилик устаси ҳаёт кечириб, 80 нафардан ортиқ кулол ишлаган. Матчановнинг ўғли Раҳимберди отасидан кулолчилик сирасорларини ўрганди. Сўнгра

ўзи мустақил идишлар ясаб, кошнларга нақшлар чизиб, ижод қила бошлади. 1930 йилларда артелга кириб, кулолчилик ишларини давом эттирди. Устани Хоразмда сермева дархатга ўхшатилади. Чунки жуда кўп шогирдлар етиштирилган. Зарип Латипов, Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев, Марямжон Матчанова, Мукаррама Саъдуллаева, Султонбой Отажоновлар ҳозирги кунда бадий кулолчилик санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Тарихий обидаларни таъмирлашда уста кулолнинг хизматлари катта. 1956 йилда Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлашда қатнашди. У гўмбаз учун зангори рангда кошнлар тайёрлаб берган (ташқи қисми), яна Кўҳна Арк дарвозасининг 2 минорасини ва бошқа меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашган. Ҳозирги кунда уста Раҳимберди Матчановнинг яратган ишлари Москва, Ленинград, Тошкент, Хива шаҳарларидаги музейларнинг доимий экспонатига айланиб қолган. Шу кунда Каттабоғлик Отажон уста Матқубов ва ўғиллари Султонбой уста, Одилбек уста, Мадирлик Аминбой, Матчон, Одилбек, Ойбек усталарнинг ясаган буюмлари харидорғир бўлиб, маҳаллий ва чет эллик сайёҳларни ҳайрон қолдирмоқда. Хивалик кошнпаз уста Рустам Тоиров эса ота-бобо-



ларнинг бой меросини ривожлантириб, 20 йил давомида ишлаб, 1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллик тўйи арафасида шаҳримиздаги қатор обидаларга қайта ҳаёт бағишлади. Жумладан, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Чиллик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашган. Ҳозирги кунда уста Раҳимберди Матчановнинг яратган ишлари Москва, Ленинград, Тошкент, Хива шаҳарларидаги музейларнинг доимий экспонатига айланиб қолган. Шу кунда Каттабоғлик Отажон уста Матқубов ва ўғиллари Султонбой уста, Одилбек уста, Мадирлик Аминбой, Матчон, Одилбек, Ойбек усталарнинг ясаган буюмлари харидорғир бўлиб, маҳаллий ва чет эллик сайёҳларни ҳайрон қолдирмоқда. Хивалик кошнпаз уста Рустам Тоиров эса ота-бобо-

Божон КОМИЛОВ, «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқонаси бош мутахассиси



«Бир болага етти қўшни ота-она», деган мақол бор халқимизда. Аммо, афсуски, кейинги пайтларда кўпчилик «Оч қорним – тинч қўлоғим», дея лоқайдлик либосини кийиб олгандек. Яқинда бир сартарош аёл айтиб берган воқеа сабаб атрофга кўп эйтибор қаратадиган бўлдим: жамиятда тобора лоқайдлик синдроми кўпайиб бораётгандек гўё... Келинг, аввал сартарош аёлнинг ҳикоясини сизга ҳам сўзлаб берайин:

«МЕНГА НИМА?» ёхуд лоқайдлик синдромининг кўринмас чангали

Қиз ҳамон кайфиятсиз, тунд аҳволда ўтирарди. Қани, илож бўлса-ю, шу ердан қочиб чиқиб кетсам, деган ифода бор эди унинг нигоҳида. Ишимни тугатдим. Қиз янада гўзаллашди. Аммо у жуда тушкун кайфиятда онаси билан бирга чиқиб кетди. Эшикдан чиқатганида онанинг гапи қулоғимга чалинди: ҳозир машина кутиб турибди, чиқиб индамай ўтирасан... тушунганим, яна олдинги қилиғингни қилиб юрмагин... Негадир она-боланинг муносабатидан кайфиятим бузилди. Улар ҳақида ўйладим... Болаларим уйдан бир неча бор телефон қилибди, уларга қайта кўнғироқ қилиб, йўлга чиқатганимни айтдим. Хонадан чиққанымда қоронғи тушганди. Кўз олдимдан қизнинг кўкарган кўллари, ёшгина бўлишига қарамасдан қошини тердиришга мажбур қилинаётгани, айниқса, онасининг совуқ муомаласи кетмасди. Бирдан миямга «Аёл қизнинг онаси бўлмаса-чи, ахир бирор марта ҳам қиз унга «Она» дея мурожаат қилмади-ку?», деган фикр келди. Дарвоқе, аёл хонамга киришда атрофга аланглаб, «Сизларда камера йўқми?», деганди. Ҳа, худди шундай деганди. Бундан келиб чиқадики, у қизнинг онаси бўлмаслиги ҳам мумкин... У нега қизни бўянтирди, нега «Машинага чиқмасанг, ўзингдан кўр», деди? Нимага мажбурлаётган бўлиши мумкин? Ҳаёлимга келган жавобдан эгим жамирлаб кетди. Ҳўрлигим келди... Лоқайдлигим учун жаҳлим чиқди. Нега аёлни саволга тутмадим? Балки бир-икки саволга тутганимда,

унинг кирдикори очиларми? Қизга бирор ёрдамим теккан бўлармиди? Нега, нимага лоқайдлик қилдим?». Кўриб турганимиздек, ҳар биримиз шунга ўхшаш воқеаларга дуч келамиз. Баъзан бу каби ҳолатлар узоқ вақт хаёлимиздан кетмайди. Баъзан виждон олдида, унинг саволлари олдида ўзимизни кўйрга жой ва кўнғилда ҳаловат тополмай қоламиз. Айтмоқчи бўлган гапимиз эса шундай: азиз одамлар, ён-атрофга теранроқ назар солайлик! Биз битта бутун жамиятимиз. «Менга нима?», қабилидаги таъмоиллар эса лоқайдлик синдромининг биринчи кўринишидир.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»



«Исмин Ҳилола, 40 ёшдаман. Сартарошиман. Яқинда ишларимни татомлаб энди уйга қайтаман деб турганимда, хузуримга она-бола келди. Иш вақтин тугаганини айтишимга қарамасдан, она қариндошларининг тўйига шошаётганини, шу боис қизининг қошларини териб кўйишимни сўради. Қиз 17 ёшларда бўлиб, шундоқ ҳам табиий гўзал эди. Одатда бундай ёшдаги қизлар қошини тердириш учун келишмайди. Ажаблансам-да, аёлнинг илтижолу оҳангдаги илтимосини қайтаргим келмади. Аввалига қизнинг қошини тердим. Сўнг юзларини пардоз қилиб, сочларини турмаклардим. Негадир қизнинг кайфияти яхши эмас, она ҳам қандайдир асабий ҳолатда эди. Ишга киришимдан олдин қиз «Керамас, хоҳламайман қошимни тердиришини», деди. Она эса «Бекорларни айтибсан, менинг айтганимни қилсан, бўлди, татом!» дея туриб олди. Вазиятни чигаллаштирмаслик учун гап қўшмадим. Ишимни тезроқ битириш ҳаракатида бўлдим. Орада қизнинг билакларига кўкарган жойларни кўриб қолдим. Хавотирланиб, «Ие, нега кўлларинг кўкариб ётибди?», деб сўрасам, қиз ўрнига онаси жавоб берди: – Бу ўзи шунақа. Менинг айтганимни қилмади. Сиз эйтибор қилманг. Ёмонлигидан доим таёқ ейди.

Замондошлар ҳақида ҳикоялар АҚШ-нинг етакчи клиникаларидан бири – Сент-Луис университетининг Ортопедик хирургия департаменти раҳбари, машҳур мутахассис, асли қорақалпоғистонлик Жолдас Қулжанов мамлакатимизга хизмат сафари билан келган эди. У О.Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказида қатор мураккаб амалиётларни амалга оширди, беморларни тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур маслаҳат ва тавсиялар берди. Шунингдек, Қорақалпоғистондаги ортопед-травматологларга ортопедия ва травматология соҳасидаги энг сўнгги замонавий даволаш усуллари бўйича маърузалар ўқиди ва мастер-класслар ўтказди.

ҲАР ЙИЛИ ЕТТИ ЮЗГА ЯҚИН МУРАККАБ ТИББИЙ АМАЛИЁТ

ёхуд асли қорақалпоғистонлик шифокор қандай қилиб АҚШда беш марта «Йил шифокори» номинацияси ғолиби бўлган?

– Ўзбекистон ва АҚШ элчихоналарининг ўзаро келишуви билан Нукусда бўлди, – дейди Жолдас Қулжанов. – Мақсад – маҳаллий ҳамкасбларимизга амалий ва назарий жиҳатдан кўмаклашиш. Келгусида қорақалпоғистонлик шифокорлар ҳам Америкада бўлиб, ўз тажрибаларини биз билан ўртоқлашишди. Ж.Қулжанов 1948 йили Кегейли туманида яшовчи эзилар хонадонидан туғилган. 1960 йилда оила аъзоларига қўшилиб, Нукусга кўчиб келган. Мактабни тугатгач, икки йил қурилишда ишлаган. Сўнгра Самарқанд давлат тиббиёт институтида тахсил олган. 1974-1975 йилларда Нукусдаги Республика онкология диспансерида хирургия бўйича бир йиллик интернатурада тахсил олиб, уни «аъло» баҳола билан битирган. Ўша йилдан эйтиборан, Тошкентдаги онкология ва радиология илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлаб бораётган.



қилиб, беморларни Илизаров аппарати ёрдамида янгича усулда даволайди. Бу усул жуда осонлиги, арзонлиги ва оғир яллиғлашиллар пайдо қилмаслиги билан давлат раҳбарлари эътиборига тушади. Натичада Никарагуада кенг қўлланила бошлади. 1986 йили Жолдас Қулжанов давлат мукофоти билан тақдирланади, 1987-1989 йилларда такроран Никарагуага юборилади ва профессор Холденер билан ҳамкорликни яна давом эттиради. Пировардида Холденер уни АҚШда ишлашга таклиф этади.

Жолдас Қулжанов 1995 йили АҚШда тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини инглиз тилида ҳимоя қилиб, профессор унвонига сазовор бўлади. Сўнгра Детройт университетиде ортопедия фанидан талабаларга сабоқ бера бошлайди. У АҚШда беш марта йилнинг энг яхши шифокорларидан бири сифатида тан олинган. Ҳозир ҳар йили 700 га яқин мураккаб амалиётни муваффақиятли адо этмоқда. Шунингдек, Сент-Луис университети клиникасида бир неча давлатларнинг травматолог-ортопедларига таълим бериб, оламга машҳур тиббиёт марказларида тажриба дарслари олиб бормоқда. Сақизта тили биландиган Жолдас Қулжанов, Америка хирург-ортопедлар ассоциацияси ва ASAMI аъзоси саналади. У Ўзбекистонга тез-тез хизмат сафари билан келиб туради.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши ҳисобчиси Дилдора ХУДОЙҚУЛОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши жамоаси Аргосаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қўшқўпир тумани кенгашининг собиқ раиси Отаназар ҚУРБОНБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши жамоаси кенгашининг «Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими» етакчи мутахассиси Озод Шерматовга волидаи муҳтарамаси Рўзигул ЖУМАНИЗОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касба уюшма қўмитаси университетининг «Физика-астрономия» кафедраси профессори Мамадмуса МАМАДАЗИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Эълонлар

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 05.09.2019 йилда Мирзаев Хуршид Бахтиёрвич номига берилган 0234-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолгани маълум қилинади. Янгийул туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йилда Карабаев Азиз Нигматиллаевич номига берилган ОР-В № 382549 рақамли шахсолатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади. Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2019 йилда Нурулмунинова Дилёра Ўткировна номига берилган (рўйхат рақами 71) К N 5766171-рақамли диллом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати: Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»). Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Қўшқўпир муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23. Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31. Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34. Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02. Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28. Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44. Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32. Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24. Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27.

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтасида назардан ўтказилмади. Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов. Мусаҳҳилар: А. Абулфайзов, Д. Худойберганава. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов. Босишга топширилган вақти – 23:30. Тошридли – 23:50. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳаҷми 4 босма табоқ. Бўртма Г – 706. 27714 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5 6. Баҳоси келишилган нарҳда. Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Iprotka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.